

Вихорнома

Gazeta 1920-yil sentabrdan chiqa boshlagan.

2022-yil 2-fevral, chorshanba • № 9 (22.411)

Web-site: www.buxoronoma.uz

E-mail: buxonomagazeta@gmail.uz

Давлатимиз раҳбари раислигида куни кеча мактаб таълимини ривожлантириш масаласида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ислохотларимиз рўйи билимли ва иқтидорли инсонларга боғлиқлиги яна бир маротаба таъкидланди. Зеро, бугун мамлакатимизда мактаб таълимига эътиборнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши замирида интеллектуал ривожланган ёшларни камолга етказиш мақсади мужассам.

Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида тўртинчи устувор йўналиш айнан таълим соҳасини, инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган. Селектор йиғилишида давлатимиз раҳбари таълим ҳаёт-мамот масаласида эканлигига алоҳида урғу бериб, бу соҳадаги ислохотларимизни кечиктиришга ҳаққимиз йўқлигини, мактаб таълимида пойдеворни бугундан мустаҳкам қўйишимиз лозимлигини уқтирди. Давлат дастурида ҳам таълим сифатини ва уни ривожлантиришга ҳар қачонгидан кўпроқ маблағ ажрати-

лаётгани соҳани тубдан ўзгартиришга астойдил киришилганидан далolat, албатта. Мактаблардаги доска, партадан тортиб, дарсликкача ва энг асосийси, сифатли таълим беришга алоҳида эътибор

билан боғлиқ тарзда таҳсил олишини таъкидлади.

Кўп йиллик тажриба жараёнида гувоҳ бўлганимиздек, ўқиш бошқа, амалиёт бошқа. Мактабда дарс бериш ва бо-

шунингдек, спорт машғулотларига жалб қилиш бўйича аниқ топшириқлар берилди. Мазкур жараёнда фаол иштирок этадиган ўқитувчи ва мурабийларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш бўйича ман-

фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечиши айна ҳақиқат. Эндиликда умумтаълим мактаблари ҳузурида олийгоҳ кафедралари фаолияти йўлга қўйилиши режалаштирилаётганлиги ҳам ана шу мақсадга ҳамоҳанг, албатта. Чунки бу ташаббус туфайли мактабларга олийгоҳ нафаси кириб боради. Бу, ўз навбатида, ўқувчи-ёшлар дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, таълим соҳасидаги ислохотлар зиммамизга улкан масъулият юкламоқда. Келажагимиз эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама ривожланган ва баркамол қилиб тарбиялаш борасидаги ишлар самарадорлиги бизнинг саъй-ҳаракатимизга боғлиқ экан, бу жараёнда сусткашлик ва эътиборсизликка йўл қўйишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Васила БАБАЕВА,
Холида ҲАСАНОВА,
БухДУ табиий
йўналишларда чет
тили кафедраси
ўқитувчилари

Таълимга эътибор — келажакка эътибор

қаратилиши моҳиятида ҳам айни шу эзгу мақсад мужассамдир.

Юртбошимиз мактабларда шу пайтгача фойдаланиб келаётган таълим стандартлари, ўқув дастурлари фақат назарий билим беришга йўналтирилганлиги, бу эса болаларни мантиқий фикрлашга, амалиётга, ҳаётга ўргатмаётганлиги ва бундан сўнг, олий ўқув юртида ўқиётган талабалар 1-курсданок мактаблар

лалар билан ишлаш жараёни назарий билимларни амалиёт билан уйғун тарзда ривожлантиришга замин яратиши шубҳасиз.

Аҳамиятли томони шундаки, йиғилишда дарс машғулотлари тугаганидан сўнг ҳам ўқувчи-ёшлар билан иш жараёнини давом эттириш, уларни турли тўғараклар, жумладан, "Еш китобхон", "Рубобчилар", "Тасвирий санъат", "Амалий санъат" тўғаракларига,

балар белгилаб олинди.

Йиғилишда бу каби эзгу мақсадларга эришиш учун олий таълимдаги ислохотларни жадаллаштириш, таълим сифатини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан, унинг натижаларини амалиётга жорий этиш экан, бу жараён умумтаълим мактаблари